

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Tar.26.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ САНЖАР БЕКТЕМИРОВИЧ

**АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙНИНГ “МАТЛАИ САЪДАЙН ВА
МАЖМАИ БАҲРАЙН” АСАРИДАГИ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ТАҲЛИЛИ**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий
тадқиқотлар усуллари**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Ахмедов Санжар Бектемирович

Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асаридаги темурийлар даври ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар таҳлили..... 3

Ахмедов Санжар Бектемирович

Анализ социально-политических и культурных процессов в период Тимуридов в произведении Абдураззака Самарканди “Матлаи садайн ва маджмаи бахрейн”..... 24

Akhmedov Sanjar Bektemirovich

Analysis of socio-political and cultural processes during the Timurid period in the work of Abdurazzak Samarkandi “Matlai Sadain wa Majmai Bahrain”. 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Tar.26.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ САНЖАР БЕКТЕМИРОВИЧ

**АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙНИНГ “МАТЛАИ САЪДАЙН ВА
МАЖМАИ БАҲРАЙН” АСАРИДАГИ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ТАҲЛИЛИ**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий
тадқиқотлар усуллари**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tar793 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-tarix.tdpu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳмонкулова Зумрад Бойхўрозовна
тарих фанлари номзоди, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Бобобеков Ҳайдарбек Назирбекович
тарих фанлари доктори, профессор

Файзиев Хуршид Турғунович
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Диссертация ҳимояси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2021.Tar.26.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-76-51; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-76-51; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ кун тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

А.К. Киргизбаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор

С.Б. Тилабаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

Н.Х. Обломуродов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув даврида ўзликни англаш, асрлар давомида сақланиб келаётган кадриятларни асраб-авайлаш, улуғлаш баробарида аجدодлар қолдирган илмий меросларини ўрганиш ҳам муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада жаҳондаги нуфузли ташкилотлардан бири бўлган ЮНЕСКО томонидан сўнгги йилларда амалга оширилган қатор тадбирлар, узоқни кўзлаб ишлаб чиқиладиган дастурлар халқларнинг бир-бирига яқинлаштириш асносида бой маданиятни кенгроқ тарғиб этишга имкон яратди. Айниқса, Ўзбекистон билан ҳамкорлик доирасида санъат, шаҳарсозлик, буюк алломаларнинг юбилейлари ва бошқа йирик тадбирларни мунтазам ўтказиб борилиши бой тарихимизни ёритувчи тарихий манбаларни чуқурроқ ўрганиб, ундан тегишли хулосалар чиқариш заруратини тақозо этмоқда.

Жаҳонда Амир Темури ва темурийлар давлатининг вужудга келиши, унинг шарқ минтақаси халқлари ҳаётида тутган ўрни, Амир Темури ва темурийлар улкан бунёдкорлик ишлари, илм-фанга ҳомийлик ишлари, маданият ривожига қўшган ҳиссаси, темурий ҳукмдорларнинг, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий соҳадаги амалларини ёзма манбаларга таяниб ўрганиш, уларнинг заруратини чуқур илмий таҳлилларга асосланган ҳолда кўрсатиб беришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунёнинг бир қатор илмий марказлари, хусусан Франция Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси томонидан Амир Темури ва темурийлар даври меросини чуқурроқ ўрганиш ва тарғиб қилишга қаратилган ҳужжатли-бадий фильмлар ишлаб чиқиш, дунё музейлари ва шахсий коллекцияларидан ўрин олган ушбу даврга оид қўлёзма асарларни реставрация қилиш, уларнинг рақамли каталогларини яратиш, уларни тадқиқ этишда замонавий ёндашувларга асосланган янги йўналишлар ва мутахассисликларни очиш, шарқ қўлёзмаларини тадқиқ этиш билан шуғулланадиган муассасалар ва илмий марказлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Республикада сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган ислохотлар маданий ҳаётнинг ривожланиши учун замин яратди. Мазкур жараёнда миллий кадриятларни улуғланиши Ватан тарихини янада чуқурроқ ўрганиш ва тадқиқ этиш имконини берди. Айниқса, мустақиллик йилларида Амир Темури ва темурийлар даврига оид манбаларни ўрганишга катта эътибор берилиб, бир қанча ёзма манбалар араб ва форс тилларидан ўзбек тилига ўгирилмоқда. Мазкур йўналишда Ўзбекистонда олиб бориладиган тадқиқотлар ҳам юксак ўринларга эга. Бу борада турли илмий тадқиқот институтлар, олий таълим муассасалари, Темурийлар тарихи давлат музейи, “Амир Темури” халқаро хайрия жамоат фонди каби муассасаларнинг фаолияти ажралиб туради. Темурийлар Ренессанси – Мусулмон Ренессанси Шарқ тамаддуни тожидаги жавоҳирлардан бири саналиб, уни ўрганишга бағишланган баъзи тадқиқотлар

яратилди¹. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари темурийлар даври бўйича қимматли манба ҳисобланади. Ушбу асар темурийлар замонидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий муҳит, темурий ҳукмдорлар, уларнинг аёллари ва мансабдор шахсларнинг бунёдкорлик ишлари, темурийлар давлатининг узоқ-яқин мамлакатлар билан дипломатик алоқаларини янада чуқурроқ ва кенгроқ тадқиқ қилинишига катта ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”, 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорлари, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.² Мазкур тадқиқот иши Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асаридаги темурийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар таҳлили ҳамда Темурийлар Ренессансини ўрганишга қаратилган бўлиб, бу борада амалга оширилган ишларни шартли равишда икки гуруҳ ва бир қатор йўналишларга тақсимлаш мумкин:

1-гуруҳ. “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари тадқиқи.

Ушбу гуруҳ асар тадқиқотини турли давр ва ҳудудларда амалга оширилган ишларни жамлаган ҳолда икки йўналишга бўлинди:

- а) асарнинг таржимаси билан боғлиқ тадқиқотлар;
- б) асарда келтирилган маълумотлар тадқиқи.

Асарнинг таржимаси билан боғлиқ тадқиқотлар йўналишига асарнинг маълум бир қисмлари, айрим ҳудудлар ва воқеа-ҳодисаларга оид ҳамда тўлиқ қисмларининг таржималарига бағишланган изланишлар киритилган.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3824>

² Диссертациянинг “Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолиятининг ўрганилиши” деб номланган I боби 1 ва 2-параграфларида батафсил ёритилган.

“Матлаи саъдайн” асари маълумотлари қимматлилиги ва ишончилиги сабаб турк, француз, инглиз, голланд ва бошқа тилларга кўп бора таржима қилинган.

Асарда келтирилган маълумотлар тадқиқи йўналишига асарда келтирилган маълумотлар тадқиқи, улардан фойдаланиб яратилган асарлар ва изланишларни киритиш мумкин.

Дунё бўйича темурийлар тарихи билан шуғулланувчи барча олим ва изланувчилар мазкур асарга маълум маънода мурожаат қилган. Бизга маълум юзлаб тадқиқотларда асарнинг турли соҳаларига оид маълумотларидан фойдаланилган.

2-гурӯҳ. Темурийларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий фаолиятини ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар.

Темурийлар фаолияти ҳар доим ва турли мамлакатлар тарихчилари тадқиқотларининг диққат марказида бўлган. Шу боис, тарихий тадқиқотлар шартли равишда қуйидаги уч йўналишга ажратилган ҳолда ушбу гуруҳга киритилди:

- а) Мустамлака ва совет даври;
- б) Мустақиллик даври;
- в) Хорижий давлатларда амалга оширилган тадқиқотлар.

Мазкур тадқиқотларга турли йўналишлар бўйича асар маълумотлари жалб қилинган бўлиб, мавзу доирасида тўлиқ равишда, айнан бир асар доирасида маданий-маърифий жараёнларни таҳлил қилишга мўлжалланган, ундаги мавзуга доир маълумотларни яхлит тарзда ажратиб олиб таҳлил қилинган илмий тадқиқот амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлар режаси ҳамда ОТ-Ф1-132 Ўзбекистон давлатчилиги тарихи тарихшунослиги: назарияси ва шаклланишинининг тарихий босқичлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2017-2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн асаридаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнларга оид маълумотларнинг манбавий аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари:

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданий-маърифий жараёнларга оид тарихий тадқиқотлар ва манбаларни таҳлил қилиш;

ижтимоий соҳа, хусусан, меъморчилик ва ободонлаштириш, сиёсий ва дипломатик муносабатлар, ўзга маданиятларга бўлган муносабат, дипломатик ёзишмалар каби маълумотларни таҳлил этиш, туркумлаш ва батафсил рўйхатини тузиш;

илмий йўналиш ривожини, аниқ ва табиий фанлар, гуманитар ва ижтимоий фанлар, хунармандчилик ва санъат соҳасига оид маълумотларни тадқиқ этиш, диний муносабатлар, хусусан, ислом дини ривожини, диний уламолар ва темурийларнинг диний муносабатлардаги сиёсатини ёритиш;

Иккинчи Ренессанс пойдевори қурилиши жараёнларини манбаларда ёритилиши ва ундан Учинчи Ренессансни амалга оширишда фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асаридаги темурийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий жараёнларга оид маълумотлар белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асаридаги темурийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий жараёнларни тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий тарихий, аниқ таҳлилий, мантиқий таҳлилий, хронологик, даврийлаштириш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

темурийлар салтанатида бошланғич мактаб, мадраса ва мадрасайи олиядан ташқари ҳозирда дунёда мавжуд таълимнинг замонавий докторантура босқичи аналоги мавжуд бўлганлиги асосланган;

“Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарининг номидаги икки саодатли юлдуз – икки муаллиф, Ҳофизу Абру ва Абдураззоқ Самарқандий, икки денгиз – икки асар, “Зубдат ут-таворих” ва “Матлаи саъдайн” асарига яширин ишора эканлиги аниқланган;

бунёдкорлик ишларида хорижий илғор тажриба ва миллий маънавий кадриятлар чамбарчас боғлиқ равишда олиб борилганлиги, қурилишда аввал мудофаа, кейинчалик ижтимоий бинолар қурилиши тенденцияси амал қилганлиги, дипломатик муносабатларнинг асосий мақсади, савдо-сотик ва ҳамкорлик бўлибгина қолмай, балки илмий ва маданий алмашинувлар, маънавий-маърифий тарғибот бўлганлиги далилланган;

ислом дини ва фикри бўйича етук билимдон бўлган Шохрух Мирзо ва унинг фарзандлари марҳум азиз авлиёлар ва уламоларнинг қабрлари атрофини ободонлаштириш, мақбаралар қуриш, қабрларни зиёрат қилиш, уларнинг руҳониятлари ҳурматидан васила қилиш ишларини одатий амаллардан ҳисоблашганлиги, аниқ фанлар бўйича Самарқанд, гуманитар фанлар ва санъат соҳасида Ҳирот марказий ўринларни эгаллаганлиги, аниқ ва табиий фанлар ривожига нафақат Улуғбек Мирзо, балки бошқа темурий шахзодалар ҳам ўз ҳиссасини қўшиб, бу фанлар бўйича кичик бўлса-да изланишлар олиб борганликлари исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертациянинг замонавий тарих фанида қўлланилаётган самарали тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги, тадқиқот олдида қўйилган масалаларни ёритишда бирламчи манбалар ҳисобланган республика ва хорижий давлатлар қўлёзма фондларида сақланаётган манбалар ҳамда тарихий асарларга таянилганлиги, шу асосда тегишли хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва уларнинг ваколатли давлат муассасалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти буюк салтанат асосчиси Амир Темур вафотидан кейин темурийлар томонидан олиб борилган маданий-маърифий ишлар самарадорлиги, қўшни давлатлар билан йўлга қўйилган алоқаларнинг мамлакат маданий-маърифий ҳаётига таъсири, уларнинг даражаси ҳамда ривожланиш омилларига оид ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Тадқиқот материаллари олий ўқув юртларининг тарих факультетларида Амир Темурдан кейинги давр маданий-маърифий жараёнлар, дипломатик алоқалар ва илм-фан ва бадиий ижод тарихини ёритишга мўлжалланган илмий-оммабоп кўрсатувлар, бадиий фильмлар сценарийларини шакллантириш, маърузалар ўқишда, қўлланма ва дарсликлар яратишда манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асаридаги темурийлар даври ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

темурийлар салтанатида бошланғич мактаб, мадраса ва мадрасайи олиядан ташқари ҳозирда дунёда мавжуд таълимнинг замонавий докторантура босқичи аналоги мавжуд бўлганлиги асосланганлиги ҳамда “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарининг номидаги икки саодатли юлдуз – икки муаллиф, Ҳофизу Абру ва Абдураззоқ Самарқандий, икки денгиз – икки асар, “Зубдат ут-таворих” ва “Матлаи саъдайн” асарига яширин ишора эканлиги асосланганлиги хусусидаги илмий янгиликлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” каналининг 2021 йил 2 март куни эфирга узатилган “Тақдимот” ҳамда мазкур каналнинг 2021 йил 12 майда эфирга узатилган “Буюк юрт алломалари” кўрсатувининг Абдураззоқ Самарқандий ҳаётига бағишланган сони сценарийларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 11 мартдаги 02-40-352-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши телетомошабинларда Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарига оид тасаввурларини бойитишга хизмат қилган;

ислом дини ва фикҳи бўйича етук билимдон бўлган Шохрух Мирзо ва унинг фарзандлари марҳум азиз авлиёлар ва уламоларнинг қабрлари атрофини ободонлаштириш, мақбаралар қуриш, қабрларни зиёрат қилиш, уларнинг руҳониятлари ҳурматидан васила қилиш ишларини одатий амаллардан ҳисоблашганлиги, аниқ фанлар бўйича Самарқанд, гуманитар фанлар ва санъат соҳасида Ҳирот марказий ўринларни эгаллаганлиги, аниқ ва табиий фанлар ривожига нафақат Улуғбек Мирзо, балки бошқа темурий шахзодалар ҳам ўз ҳиссасини қўшиб, бу фанлар бўйича кичик бўлса-да изланишлар олиб борганликлари исботланганлигига оид илмий янгиликлардан Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлигининг тегишли чора-тадбирларидаги “Юртим тарихини ўрганаман” лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 25 мартдаги 4-09-23-714-сон далолатномаси).

Олинган натижаларнинг қўлланилиши ўтказиладиган тадбирларнинг мазмунан бой бўлиши ва ёшларда буюк аждодларимиз амалга оширган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақидаги билимларини оширишда муҳим омил вазифасини ўтаган;

бунёдкорлик ишларида хорижий илғор тажриба ва миллий маънавий кадриятлар чамбарчас боғлиқ равишда олиб борилганлиги, қурилишда аввал мудофаа, кейинчалик ижтимоий бинолар қурилиши тенденцияси амал қилганлиги, дипломатик муносабатларнинг асосий мақсади, савдо-сотик ва ҳамкорлик бўлибгина қолмай, балки илмий ва маданий алмашинувлар, маънавий-маърифий тарғибот бўлганлиги далилланганлиги билан боғлиқ илмий янгиликлардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг устувор йўл хариталари, дастурлари, тарғибот тадбирлари ва бошқа амалий йўналишларида фойдаланиш учун қабул қилинган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 13 июндаги 02/10/1044-сон далолатномаси). Натижаларнинг қўлланилиши миллий маънавиятимизнинг маъно-моҳияти, илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, унинг бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган изчил, таъсирли ва замонавий усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқот ва тарғибот ишларини олиб боришда манбавий асос бўлиб хизмат қилган;

дипломатик муносабатларнинг асосий мақсади, савдо-сотик ва ҳамкорлик бўлибгина қолмай, балки илмий ва маданий алмашинувлар, маънавий-маърифий тарғибот бўлганлиги далилланганлиги тўғрисидаги илмий янгиликлар Оила ва хотин қизлар давлат қўмитасининг режа асосида ташкил этиладиган тадбирларида фойдаланиш учун қабул қилинган (Оила ва хотин қизлар давлат қўмитасининг 2022 йил 17 июндаги 02-02/513-сон далолатномаси). Натижаларнинг қўлланилиши қўмитанинг устувор йўл хариталари, дастурлари, тарғибот тадбирлари ва бошқа амалий йўналишларининг илмийлигини ҳамда тарихий асослилигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни, унда илгари сурилган хулосалар, илмий-амалий конференцияларда муаллиф томонидан қилинган маърузалар, телекўрсатувларда қилинган чиқишлар, чоп этилган илмий мақолаларда ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва хулосалари диссертант томонидан эълон қилинган 11 та илмий нашрларда ўз аксини топган: 7 та мақола илмий журналларда, 4 та мақола илмий-амалий конференция тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий

янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг **“Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолиятининг ўрганилиши”** деб номланган биринчи боби Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятининг тадқиқ этилиши, “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарининг ўрганилиши, шунингдек темурийлар даври ижтимоий-сиёсий ва маданий тарихини тадқиқ этишга мўлжалланган манбалар ҳамда тарихшунослиги юзасидан яратилган тадқиқотлар таҳлилига бағишланган. Ҳирот шаҳрида туғилган ва умрининг охирига қадар шу шаҳарда яшаб, фаолият олиб борган асар муаллифининг ҳаёт йўли тадқиқ этилган. Унинг Самарқандий нисбасини олишига сабаб ва маълумотлар таҳлил қилинган. Асар муаллифи темурий шахзодалар Шоҳрух Мирзо, Мирзо Абул Қосим Бобур, Мирзо Султон Абу Саъид ва Султон Ҳусайн даврида яшаб ижод этган, дунёга машхур Абдураззоқ Самарқандий бўлиб, ҳижрий йил ҳисоби билан 12 шаъбон 816 йил (1413 йил 7 ноябрь) Ҳирот шаҳрида туғилган. Унинг тўлиқ исми Камолуддин Абдураззоқ, отасининг исми Жалолоддин Исҳоқ Самарқандийдир. У Ҳиротда туғилган бўлса-да, “Самарқандий” деган нисба билан машхур бўлганлигига сабаб, отаси Жалолоддин Исҳоқнинг Самарқанд шаҳридан бўлганлигидир³.

Абдураззоқ Самарқандий ўзи ва шу давр тарихнависи Мирхонднинг таъкидлашича, отаси Жалолоддин Исҳоқ Шоҳрух саройида мулозимликда бўлиб, кўп йиллар давомида унинг ўрдусида имомлик ва қозилик мансабини ўтаган. Унинг Ҳиротга келиб қолиши сабаби Амир Темур билан боғлиқ бўлиб, темурийларнинг ишончли кишилари сифатида олиб келинган. Абдураззоқ Самарқандий 24 ёшигача таълим-тарбия олиш ва мадрасада ўқиш билан шуғуллангач, 1437—1438 йили Ҳиротдаги Темурийлар саройига хизматга қабул қилинади. У тафсир, ҳадис, тил ва адабиёт илмларини пухта эгаллаган. Абдураззоқ ҳам отаси сингари саройда хизмат қилишини Шоҳрух таъкидлаган бўлса ҳам, унга отасининг вазифасини топширмади. У яхши хулқли киши бўлиб, Шоҳрух саройида шайх хонақо вазифасида ишлаган⁴. Чунки у эндигина 24 ёшга чиққан ва Ҳирот шаҳри шу вақтдаги маданий марказ сифатида иқтидорли кишиларнинг энг кўп тўпланган жойи эди. Бу каби рақобатдан енгиб чиқиб нуфузли лавозимни эгаллаш мушкул ҳолат бўлган. Шу боисдан, унга бундай лавозимни топширилиши амри маҳол эди. Шоҳрух унга барча кўрган кечирганларини қоғозга тушириб юриш ва натижаси бўйича ахборот бериб юришни топширган. Унга маълум маош тайинланган. Ушбу маълумотлар асосида унинг Шоҳрух саройидаги дастлабки хизмат даврини ҳозирги вақтдаги илмий изланувчилар фаолиятига қиёслаш мумкин. Зеро, унинг кўрган кечирганларини қоғозга тушириб юриши ва бошқа асарлардан маълумот

³ Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари. Кириш сўз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 11.

⁴ Юсупова Д. Жизнь и труды Хондамира. – Тошкент, 2006. – Б. 94.

тўплаши, шунингдек, воқеа-ҳодисаларнинг бевосита гувоҳи бўлган кишилардан маълумотлар йиғиши натижаси якунида муфассал асар яратилган.

Илмий изланувчилик билан бир қаторда, темурийларнинг Ҳиротдаги саройида бу вақтларда ривожга минган диний ва дунёвий илмлар, шариат қонун қоидаларининг баъзи жузъий масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида хизмат қилиб юрган. Лекин, унинг фаолияти оддий мулозим ёки хизматкордан юқорироқ бўлган. Бунга унинг иқтидори, отаси ва ака-укаларининг эътиборли шахслар бўлганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Унинг туғилган куни ва жойи тўғрисида муаллифнинг ўзи асарнинг 1413 йил воқеалари баёнида келтириб ўтган: “Бу варақларни тўпловчи Абдураззоқ ибн Исҳоқ ас-Самарқандий шу йили пойтахт Ҳиротда ўн иккинчи шаъбонда (1413 йил 7 ноябрь) йўқлик зулматидан борлиқ мулкига қадам қўйдим”⁵. Шунингдек, унинг туғилиш вақти ва жойи тўғрисида муаллифнинг маълумотларига таянган ҳолда Хондамир, Мирхонд, Шамсуддин Сомий, Муҳаммад Тақий Баҳор, Али Акбар Деххудо, Картрмер, Бартольд, Крымский ва бошқа олимлар маълумот берган. Унинг вафот этган санаси (1482 йил июль-август) ни унинг замондоши Мирхонд кўрсатиб ўтган.

Умуман олганда унинг ҳаёти ва ижоди билан бир қатор олимлар маълум маънода изланишлар олиб борган ва маълумотлар бериб ўтган.

Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун нафоис” асарида у тўғрисида қисқача маълумот бериб, Ҳиротдаги Имом Фахруддин қабристонига кўмилганлигини қайд этган⁶.

Ундан кейин Мирхонд, яъни Муҳаммад Ховандшоҳ ўзининг “Равзат ус-сафо” асарида⁷, Хондамир, тўлиқ исми Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин “Хулосат ул-ахбор фи баёни аҳволи ахйор” асарида⁸, Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётган “Торихи Роқимий” асарида⁹, Шамсуддин Сомий ўзининг “Қомус ул-аълум” асарида¹⁰, Муҳаммад Тақий Баҳор (Малик уш-шуаро). “Сабкшеноси ё тарихи татаввури насри форси” асарида¹¹ ва Али Акбар Деххудо “Луғатнома”да¹² маълумотлар бериб ўтишган.

Шу билан бирга, Европа ва рус олимлари ҳам бир қадар изланишлар олиб бориб, ўз асарларида маълумотлар бериб ўтган. Масалан, европалик олимлар

⁵ Абдураззоқ Самарқандий. Кўрсатилган асар. 1-китоб. – Тошкент, 2008. – Б. 251.

⁶ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 13-жилд. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 37.

⁷ Мирхонд “Равзат ус-сафо”. – Бомбей 1381/ 1845—1846, 7-жилд, – Б. 73.

⁸ Хондамир “Хулосат ул-ахбор фи баёни аҳволи ахйор”. Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма № 2209, 480-варақ.

⁹ Торихи Роқимий. Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма № 7711, 826—83а варақлар

¹⁰ Шамсуддин Сомий “Қомус ул-аълум”. Тўртинчи жилд. – Истамбул, 1311/1893, – Б. 3075.

¹¹ Муҳаммад Тақий Баҳор “Сабкшеноси ё тарихи татаввури насри форси”. Желди севвум. – Техрон, 1337/1959, – Б. 206.

¹² Али Акбар Деххудо “Луғатнома”. – Техрон, 1332.

Картрмер¹³, Х.М.Эллиот¹⁴, С.А.Сторей¹⁵ ва Эдвард Броун¹⁶, рус олимларидан В.В.Бартольд¹⁷, А.Крымский¹⁸, А.А.Ромаскевич¹⁹ ҳамда И.Ю.Крачковский²⁰ асарларидан адиб ҳаётига оид маълумотлар олишимиз мумкин.

Шунингдек, ўзбек олимларининг Абдураззоқ Самарқандий ҳаётига бағишлаб олиб борилган ишлари мавжуд бўлиб, улар ичида шарқшунос олим А.Ўринбоев²¹нинг ишлари диққатга сазовор ҳисобланади. А.Ўринбоев турли манбалардаги маълумотларни тўплаб, мавжуд маълумотлар асосида муаллиф ҳаётини тўлиқроқ очиб берган.

Диссертацияда ўрганилаётган манбанинг тадқиқи билан боғлиқ изланишлар ҳам олиб борилган. Ҳозирда маълум бўлишича, дунёдаги Шарқ қўлёзмалари сақланадиган йирик кутубхоналарнинг деярли барчасида “Матлаи саъдайн”нинг бир ёки бир неча нусхаси учрайди²².

Тарихий қўлёзмаларга оид каталоглар таҳлилига кўра, асарнинг иккинчи жилди қўлёзмаларининг 20 дан ортиқ нусхаси дунёдаги кутубхоналарда сақланмоқда. Қўлёзма нусхаларнинг ҳаммасини умумлаштириб

¹³ Quatremere M. *Noteces et extraits*, t. XIV, pt. I, – Paris, 1843, pp. 1—19

¹⁴ Elliot H.M. *The history of India, as told by its own historians*, vol. IV, London, 1872. pp. 89-90

¹⁵ Storey C.A. *Persian Literature*, Vol. I. section II, fasc. 2. – London, 1936, pp. 293-298; pt. 2, – London, 1953, pp. 1276-1277.

¹⁶ Edward G. Browne, *A Library history of Persia*, Vol. III. *The Tartar Dominion (1265-1502)*, – Cambridge, 1951, pp. 428-430.

¹⁷ Barthold W. *Abd al Razzak Kamal al Din b. Ishak al-Samarkandi*, *The encyclopedia of Islam*, vol. I, – Leyden-London, 1913, pp. 63—64.

¹⁸ Крымский А. *История Персии, литературы и дервишеской теософии*, том III, -М., 1914—1917, стр. 59—65.

¹⁹ Ромаскевич А.А. *Персидские источники по истории туркмен и Туркмении X—XV вв.*, “Материалы по истории туркмен и Туркмении, том I, VII—XV вв., АН СССР, – Москва.—Ленинград, 1939, стр. 59—60; *Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды, т. II, извлечения из персидских сочинений, собранные В.Г.Тизенгаузеном и обработанные А.А.Ромаскевичем и С.Л.Волыним*, Изд-во АН СССР, – Москва. – Ленинград, 1941, стр. 190.

²⁰ Крачковский И.Ю. *Избранные сочинения*, т. IV, – Москва. – Ленинград., 1957, стр. 519—522.

²¹ Ўринбоев А. *Абдураззоқ Самарқандий*. – Т.: Фан, 1965.; Ўринбоев А. *Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси*. -Тошкент.: Фан, 1969.; Ўринбоев А., Бўриев О. *Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси*. - Тошкент: Фан, 1991.

²² “Матлаи саъдайн”нинг иккинчи жилди нусхалари бизга маълум қўлёзма каталогларидан қуйидагиларда қайд қилинган: *Catalogue des manuscrits et xylographes orientaux de la Bibliotheque Imperiale publigue de St. Petersburg*. (Dorn), 1852, pp. 286—288, NN CCXCVII—CCXCIX; *A descriptive catalogue of the historical manuscripts in the arabic and persian languagus, preserved in the Library of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland*. By William Morley, London, 1854, pp. 96—99, N XCX; *Die arabischen, persischen und turkischen Handschriften d. K.* —K. Hofbibliothek zu Wien... geordnet und beschrieben von Gustav Flugel. Wien, Vol. 1865, pp. 190—191, NN 968—969. *Catalogue of the persian manuscripts in the British Museum*. Vol. I, – London, 1879, p. 181b—183a. *J. Aumer. Die persischen Handschriften der K. Hof—und Staatsbibliothec in Muenchen*, – Munchen, 1886, pp. 87—88, N 245—246.; *Catalogue of the Persian, Turkish, Hindustani and Pushtu Manuscripts in the Bodleian Library*, begun by Prof. Ed. Sachau... completed and edited by H. Ethe, Parti, *Persian manuscripts*, Oxford, 1889, pp. 91—92, N 163—164. *Catalogue of Persian Manuscripts in the Library of the India Office* by Hermann Ethe, vol. I, – Oxford, 1903, pp. 83—84, NN 193 —195.; *Concise Descriptive Catalogue of Persian Manuscripts in the Curson Collection of the Asiatic Society of Bengal*, by Wladimir Ivanow, Calcutta, 1924, pp. 26—27, NN 81—84.; *Catalogue des manuscrits Persians de la Bibliotheque Nationale* Par E.Bloch, – Paris, T. I, 1905; pp. 293—295, N 468 — 470; T. IV, 1934, pp. 258— 259, N 2319.; Семенов А. *Каталог рукописей исторического отдела Бухарской центральной библиотеки*, – Ташкент, 1925. стр. 25, № 107.; *A descriptive Catalogue of the Oriental Mss. belonging to the late E.G.Browne* by E.G.Browne, Completed and edited... by R. A. Nicholson. Cambridge, 1932, pp. 109—110.; “Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР”, т. I, – Ташкент, 1952, стр. 59—60, № 135.; “Каталог восточных рукописей Академии наук Таджикской ССР”, т. I, – Сталинабад, 1960. стр. 60—62, №№ 47—48.; Тагирджанов А. *Описание таджикских и персидских рукописей восточного отдела библиотеки ЛГУ*, Изд-во Ленинградского Университета, 1962, стр. 126—131, №№ 66—67.; Акимускин О., Кушев В., Миклухо-Маклай Н., Салахетдинова М., *Персидские и таджикские рукописи Института народов Азии АН СССР*, ч. I, – Москва. 1964, стр. 551—552, №№ 4117—4119.

шакллантирилган форс тилидаги танқидий матн тўлиқ амалга оширилмаган, лекин покистонлик олим, профессор Муҳаммад Шафенинг дунёдаги барча нусхаларни тўплаб нашр қилган китоби ва А.Ўринбоевнинг тадқиқотлари унинг илмий ишлар учун ишончли матн бўлишига ёрдам беради ва биз манбашунослар учун танқидий томондан фойдаланишга имкон беради. Муаллиф ушбу асарни 1467—1470 йиллар оралиғида ёзиб тугатиб, 1470 йили уни яна давом эттирган ва шу йил август ҳодисалари баёнини қўшиб, тамомлаган. Асарнинг номланиши билан боғлиқ турли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Чармоу асар номининг биринчи ярми “Икки саодатли юлдузнинг чиқиши” сўзлари ҳукмронлик даврлари тарихи баён қилинган бири мўғуллар, иккинчиси темурийлар сулоласидан бўлган, икки Абу Саъидга ишора, иккинчи ярми “Икки денгизнинг қўшилиши” эса, асарда мўғуллар сулоласи уланиб кетганлигига ишора деб ҳисоблаган. А.Крымский эса, бу фикрни рад қилиб, асар номининг ҳар иккала қисми ҳам Темур билан Шохрухга ишора эмасмикан деган. Асомиддин Ўринбоев эса, “асар “Матлаъ ус-саъдайн” сўзининг луғавий маъноси “Икки саодатли юлдузнинг чиқиш жойи”ни эътиборга олсак, бу албатта, асарнинг икки жилддан иборат эканлигига ва шу билан бирга икки жилднинг бошланишидаёқ номлари тилга олинган “саъд” сўзини ўз ичига олган исм билан аталувчи икки шахсни ифодалаш керак. Шунга биноан, бу “Саъид”лардан бири биринчи жилднинг бошланишида номи зухур қилинган мўғул Абу Саъид, иккинчиси эса, иккинчи жилднинг бошланишидаги XV-XVI асрлар адабиётида “Султон Саъид” лақаби билан аталган Шохрухдир. Иккинчи жилднинг охирида сўзланган Абу Саъид эмас. “Икки денгизнинг қўшилиш жойи” эса, асар икки жилддан иборат бўлса ҳам, лекин, жилдлар мазмунан бир – бирига уланиб кетишига ва шу билан бирга икки ҳукмрон яъни, Темур ва Шохрухнинг тарихи бир-бирига қўшилилганлигига ишора бўлиши керак. Агар шу нуқтаи назардан қарасак, асар номининг иккинчи қисми борасида А.Крымскийнинг мазкур фикри тўғридир”²³ деб фикр билдирган. Асар номи билан боғлиқ фикрларни ва асарнинг ўзидаги турли маълумотларни таҳлил қилиш орқали янада қизиқарлироқ тахминларни келтириш мумкин. Яъни “матлаъ ус саъдайн” (икки саодатли юлдузнинг чиқиши) деганда у икки буюк тарихчи Ҳофиз Абу ва ўзини назарда тутган бўлиши ҳам мумкин. Зеро, асар Ҳофиз Абу ва Абдураззоқ Самарқандийларнинг меҳнати маҳсули ҳисобланади. Асар номининг иккинчи қисми ҳам биринчи фикрнинг мантиқий давоми ўлароқ, “мажмаи баҳрайн” (икки денгизнинг қўшилиши) жумласи икки олимга тегишли сўзлар уммони қўшилишига ишора бўлиши мумкин.

Асар тадқиқоти асосан қуйидаги икки йўналишда олиб борилган:

- а) асарнинг таржимаси билан боғлиқ тадқиқотлар;
- б) асарда келтирилган маълумотлар тадқиқи.

Асарнинг турли қисмлари бир қатор европа ва шарқ тилларига таржима қилинган. Улар сирасига Ҳожи ибн Муҳаммад Ардистоний, Котиби Чалабий, Исмоил Осим Чалабийзода ва Ҳазорфаннларнинг турк тилига; Катрмер ва Лангле томонидан бир неча бор француз тилига; Эллиот томонидан инглиз тилига, шунингдек рус ва голланд тилига қилинган таржималирини киритиш

²³ Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 20, 21.

мумкин²⁴. Бироқ бу таржималар асарнинг бирор жилдини ҳам қамраб олмаган. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Асомиддин Ўринбоев томонидан ўзбек тилига қилинган таржима энг аҳамиятлиси ҳисобланади²⁵.

Кейинги йўналишга асарда келтирилган маълумотлар тадқиқи, улардан фойдаланиб яратилган асарлар ва изланишларни киритиш мумкин. Том маънода, “Матлаи саъдайн” асарини ўрганиш муаллиф яшаган вақтларданок бошланган дейиш мумкин. Ундаги маълумотлардан XV—XVI асрларда яратилган тарихий асарларни битишда манба сифатида фойдаланилган²⁶. Бу жараён ҳозирги кунга қадар давом этмоқда²⁷.

²⁴ Тагирджанов А. Описание таджикских и персидских рукописей восточного отдела библиотеки ЛГУ, Изд-во Ленинградского Университета, 1962, стр. 128-129; Крачковский И. Избранные сочинения, т. IV, – М. – Л., 1957, стр. 522; Крымский, А. «История Персии, литературы и дервишеской теософии», т. III. М. 1914—1917, стр. 64; Notice de l'ouvrage persan qui a pour titre Matla-assaadein ou-madjma- albahreïn et qui contient l'histoire des deux sultans Schah—rokh et Abou— Said, par M. Quatremere, «Notices etextraits», t. XIV, pt. 1, Paris, 1843.; Ўринбоев А., Бўриев О. Гиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. Тошкент, «Фан» 1991.; Notice de l'ouvrage persan qui a pour titre Matla-assaadein ou-madjma- albahreïn et qui contient l'histoire des deux sultans Schah—rokh et Abou— Said, par M. Quatremere, «Notices etextraits», t. XIV, pt. 1, Paris, 1843.; Elliot, «History of India as told by its own historians» t. IV. London, 1872, pp. 93-126; Ўринбоев А. «Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси», масъул муҳаррир С.Азимжонова, Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1960.; «Expedition de Timour-i lenk ou Tamerlan contre Todtamiche, en 793—1391» par Charmoy. «Memories de l'Academie Imp. des Sciences de St. -Petersbourg, 6-e serie, t. 3, St. — Petersburg, 1836, pp. 245—270 (форсча матни), 442—440 (французча таржимаси).; Смирнова О.И. «Материалы по истории туркмен и Туркмении», т. I, –М. – Л., 1939, стр. 529—534; «Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды», т. II, извлечения из персидских сочинений, собранные В.Г.Тизенгаузеном и обработанные А.А.Ромаскевичем и С.Л.Волиным, – М – Л., 1941, стр. 190—201 (русча таржима), 251—261 (форсча матн).; Извлечения из «Матла-и саъдайн ва маджма-и бахрайн» Абд ар-Раззака Самарқанди (пер. с персидского О.Ф.Акимовской). Материалы по истории киргизов и Киргизии. Выпуск 1, – М. 1973, стр. 150—169.; Абд ар-Раззак Самарқанди Извлечения из «Матлаи саъдайн». Перевод с персидского Д.Ю.Юсуповой. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X—XIX вв. Ташкент: «Фан», 1988, стр. 170—185.

²⁵ Абдураззоқ Самарқандий. “Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн”. Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар А.Ўринбоевники. Кўрсаткичларни Д.Юсупова тузган. Масъул муҳаррирлар: С.А.Азимжонова, У.И.Каримов. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1969.; Самарқандий Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн. II Жилд. 1 қисм. 1405-1429 йил воқеалари // Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳли луғатлар муаллифи А.Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 632 б.; Самарқандий Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн. II Жилд. 2-3 қисмлар. 1429-1470 йил воқеалари // Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳли луғатлар муаллифи А.Ўринбоев. Географик номлар изоҳли кўрсаткичи О.Бўриев. Тарихий шахс, воқеа ва атамаларга изоҳ беришда Ф.Каримов ва Э.Миркомиловлар иштирок этишган. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 832 б.

²⁶ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 13-жилд. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1997. – Б. 37; (Мирхонд ва Хондамирлар ҳам “Матлаи саъдайн” асарини яхши ўрганиб чиққан ва ўзларининг тарихий асарларида ундан иқтибослар келтириб ўтган.)

²⁷ Семенов А. Надписи на надгробиях Тимура и его потомков в Гури-Эмире // Эпиграфика Востока. – М. –Л., 1948. II.; Греков Б. Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. – Тошкент: Ўқув педагогика нашриёти, 1956.; Первое русское посольство в Херате // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. Том первый. 1886. СПб. : Типография Императорской Академии Наук, 1887. – С. 30—31.; Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Том I. С древнейших времен до начала XVI века. – М.: Наука, 1964. – 464 с.; Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. – М.: Наука, 1965.; Ахмедов Б.А. Улугбек. – Тошкент: Фан, 1965.; Б.Ахмедов. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.; Ахмедов А.О комментариях Абд ал-Али Хусайна Бирджанди к “Зиджу” Улугбека // Из истории науки эпохи Улугбека. – Ташкент, 1979; Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Шарқ, 1996. – 352 б.; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2002.; О.Буриев. О границах семи климатах. Зиджи Гурагани “Улугбек и на карте мира Хафизу Аbru” // Из истории наук эпохи Улугбека. – Ташкент, 1979.; О.Бўриев. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 59-63; А.Ўринбоев, О.Бўриев. Гиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Тошкент, 1991. – 234 б.; Файзиев Х. “Темурийлар салтанатида Шохрух Мирзонинг ўрни ва унинг ташқи сиёсати” 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. Тошкент – 2011; Каримова Н. Чэн Чэнг манбаларида Марказий Осиё шаҳарлари // Шарқшунослик. – Тошкент, 2002. – № 11. – Б. 66-73.; Ўша муаллиф. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV – XVII вв. (по материалам китайских источников).: Дисс. ... докт. истор. наук.

Мавзу бўйича манбалар таҳлили ҳам амалга оширилган бўлиб, темурийлар даври бўйича ўндан ортиқ манбаларнинг манбавий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, темурийлар даври ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий масалалари тарихшунослиги таҳлил қилинган ва шартли равишда қуйидаги уч йўналишга ажратилган:

а) Мустахлак ва совет даври²⁸;

б) Мустиқлик даври²⁹;

– Ташкент, 2005. – 357 л.; Ш.Ўлжаева. XX асрнинг 50–60 йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихшунослиги (Шўро адабиётлари мисолида): Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент, 1999. – 154 б.; Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши: Тарих фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 46 б.; Bretschneider E. Mediaeval Researches from Eastern Asiatic Sources. Fragments towards the knowledge of the geography and history of Central and Western Asia from the 13th to the 17th century, vol. II, London, 1910. (258); Сингх, Н.К., Банерджи А.Ч. История Индии. – М., 1954. – 440 с.; Manz B. Power, Politics and Religion in Timurid Iran. – Cambridge, 2007. – P. 314 p.; Lentz T. W. Painting at Heart under Bâysungur ibn Shahruh. Unpublished doctoral work. Harvard University. – Cambridge–Massachusetts, 1985. – P. 34-76.; Woods J.E. The University of Chicago // The Timurid dynasty. Indiana University. Research Institute for Inner Asian Studies. – Blomington, Indiana, 1990. – P. 27-68.; Aka İ. Şahruh'un Karakoyunlular Üzerine Seferleri // E. Ü. Tarih İncelemeleri Dergisi. – 1989. – Sayı 4. – S. 1-20.; Aka İ. Mirza Şahruh ve Zamanı (1405-1447). – Ankara, 1994. – 260 s.; Aka I. Selçuklu Sonrası Orta Doğu'da Türk Varlığı // TÜRKLER. – Ankara: Yeni Türkiye yayınları, 2002. – 6. Cilt. – S. 839-860.; Aka İ. Timurlular // TÜRKLER. – Ankara: Yeni Türkiye yayınları, 2002. – 8. Cilt. – S. 893-922.; Aka İ. Mirza Şahruh Zamanında (1405-1447) Timurlularda İmar Faaliyetleri // Prof. Dr. İsmail Aka, Makaleler, I. Yayınlayan E. Semih Yalçın-Şarika Gedikli. – Ankara, 2005. – S. 9-12.; عبدالحميد نوانى نهران اسناد و مکاتبات تاريخى ايران از تيمور تا شاه اسماعيل... (Абдулхусайн Навоий. Аснод ва мактуботи тарихийи Ирон (аз Темур то Шох Исмоил)). – Техр. 1922.

²⁸ Карамзин Н.М. История государства Российского. Т. V. Ежемесячное приложение к журналу «Север» за май. Печатано под наблюдением проф. П.П. Полевого. – СПб.: Издание Е. Евдокимова, 1892. – С. 84.; Грановский Т.Н. Сочинения. Ч. 1. – М., 1866. – С. 337, 341-342; Грановский Т.Н. Лекции по истории средневековья. – М.: Наука, 1986. Лекция 1849/50 г. – С. 47.; Соловьев С.М. История России с древнейших времен. Кн. I. Т. I-IV, изд. 2-е. – СПб., 1909. (Новое издание: Кн. II, Т. 3-4. – М., 1960. – С. 369-370, 636.; Иванин М.И. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингиз-хане и Тамерлане. – СПб., 1875.; Бартольд В.В. Сочинения. Т. V. – С. 14, 252.; Бартольд В.В. Темур // Энциклопедический словарь «Брокгауз-Ефрон». Т. XXXIII. – СПб., 1901. – С. 195-196.; Бартольд В.В. История Туркестана // Бартольд В.В. Соч. Т. II. Ч. 1. – М, 1963. – С.153-154.; Якубовский А.Ю. Самарканд при Тимуре и Темуридах. – Л., 1933.; Якубовский А.Ю. Тимур (Опыт краткой характеристики) // Вопросы истории, 1946. № 8-9. – С. 42-74.; Якубовский А.Ю. Государство Темура, Мавераннахр и Хорасан при Темуридах (XV в.). История Узбекской ССР. Т. I. – Ташкент, 1967. – С. 435-508; Строева Л.В. Возникновение государства Темура // Ученые записки ЛГУ, 1952. К 128. – С. 64-87.; Падение золотой Орды. В кн.: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. – М.–Л., 1950. – С. 216; История народов Узбекистана. Т. I. С древнейших времен до XVI в. Ташкент, 1950; Якубовский А.Ю. 228; Якубовский А.Ю. Государства Темура // История Узбекской ССР. Т. I. Кн. 1. Ташкент, 1955. – С. 313-334; Якубовский А.Ю. Государства Тимура. Мавераннахр и Хорасан при Тимуридах // История Узбекской ССР. Т. I. Ташкент, 1967. – С. 435-508, (с дополнениями Р.Н. Набиева, С.А. Азимджановой, Б.А. Ахмедова); Якубовский А.Ю. Темур, его держава и военные походы // Очерки истории СССР. Период феодализма. IX-XV вв. 4. – М., 1953. – С. 654-676.; Муминов Иброхим. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихда тутган ўрни ва роли (ёзма манбалар маълумоти асосида). Тошкент, 1968, 51 б. См. также: Муминов И.М. Роль и место Амира Темура в истории Средней Азии в свете данных письменных источников. Ташкент, 1968. 48 с. Крустман Б.В. К вопросу о стиле архитектурных памятников Самарканда XV века // Искусство Средней Азии. – М., 1930.; Семенов А.А. Надписи на надгробиях Тимура и его потомков в Гури-Эмире // Эпиграфика Востока. – М. – Л., 1948. II. – С. 49-62.; Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. Ташкент, 1958. – С. 35-37.; Веймарн В.В. Искусство Средней Азии. – М. – Л., 1940.; Маньковская Л.Ю. Новое в изучении мечети Биби-ханым // Из истории искусства великого города. Ташкент, 1972. – С. 100.; Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека. – М. –Л.: Наука, 1950. – С. 30; Қориниёзов Т.Н. Улугбек. – Тошкент, 1961; Лунин Б.В. Историографические исследования в Узбекистане: Первые итоги, состояние, задачи // Общественные науки в Узбекистане. (Далее ОНУ). – Т., 1975. № 8. – С. 69-77; Ўша муаллиф. Средняя Азия в научном наследии отечественного востоковедения: Исторический очерк. – Т.: Фан, 1979.

²⁹ Лунин Б.В., Алимова Д.А. Работы историографов республики Узбекистан // Отечественная история. – М., 1997. № 2. – С. 136-138.; Алимова Д.А., Каримов Э.Э. О задачах отечественной исторической науки в Узбекистане на современном этапе // ОНУ. – Т., 1996. № 11. – С. 73-78.; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда тарих фанининг вазифалари ва муаммолари // “Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолари. Республика илмий назарий анжумани материаллари. – Т., 1998. – Б. 16; Ўша муаллиф. Миллий ғоя ва тарих сабоқлари // Миллий

в) Хорижий давлатларда амалга оширилган тадқиқотлар³⁰.

Диссертациянинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асаридаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таҳлили” деб номланган иккинчи боби

тикляниш. 1999, 23 февраль; Ўша муаллиф. История и время: Основные функции и задачи современной исторической науки // Народное слово. 2001, 27 июля; Ўша муаллиф. История и время: Основные функции и задачи современной исторической науки // Народное слово. 2001, 27 июля; Алимова Д., Буряков Ю., Филанович М. Объективность в истории – ответственность за будущее: Проблемы исторической науки на современном этапе // Учитель Узбекистана. 2003, 16 мая.; Ртвеладзе Э.В. Штрихи к познанию исторической проблемы / Россия–Узбекистан, в прошлом и настоящем. – М., 2003. – С. 8-11.; Ртвеладзе Э.В., Алимова Д.А. Исследовательские подходы к истории эпохи темура и Темуридов (принципы работы над коллективной монографией) // Темурийлар даври ёзма меросининг тарқалиши ва ўрганилиши // VIII Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 20 октябрь). Масъул муҳаррир: Х.Файзиев. 8-китоб. – Т.: Mashhur-Press, 2016. – С. 6-11.; Ўлжаева Ш. XX асрнинг 50–60 йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихшунослиги (шўро адабиётлари мисолида) Тарих фан. ном. дисс. – Т.: ЎзРФА Тарих институти, 1999; Абиджанова Д. Маверауннахр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60–90х годов XX в.: Дис.канд. ист. наук. – Т.: Институт истории АН РУз, 2000. – С. 160; Усмонов Б. Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослигида ёритилиши (XVII–XX асрлар): Тарих фан. ном. дисс. – Т.: ЎЗФА ШИ, 2004. – 165 б.; Рахматуллаева А.Р. Ўзбекистонда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тарихшунослиги (1991-2009). Тарих фан. ном. дисс. – Т.: ЎзРФА Тарих институти, 2010. – 175 б.; Усмонов Б. Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослигида ёритилиши ... – Б. 130.; Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. – Б. 39.; Луний Б.В. На переломном этапе. Размышления историка // Коммунист Узбекистана. – Т., 1990. № 11. – С. 73-74.; Ўша муаллиф. Новая книга о Тимуре и несбывшиеся надежды его читателей. (О книге “Тамерлан. Эпоха, Личность. Деяния” 1992.) // ОНУ. – Т., 1992. № 9-10. – С. 66-70.; Ахмедов А. Амир Темур: уйдирма ва ҳақиқат // Фан ва турмуш. – Т., 1990. № 8. – Б. 15-16; № 9. – Б. 8-9; № 10. – Б. 20-22.; Темур Амир: “Я знал, ценил и уважал народ...” Мысли, высказывания, изречения / Сост. Б. Ахмедов А. Аминов. Пер. Сабита Мадалиева // Звезда Востока. – Т., 1991. № 6. – С. 26-29; Ахмедов Б. Амир Темурга мактублар // Мулоқот. – Т., 1992. № 5-6. – Б. 36.; Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996.; Темур ва Улуғбек даври тарихи...; Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркале мировой истории...; Ўша муаллифлар. Амир Темур в зеркале мировой науки ...; Ахмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. – Т.: Университет, 1999. – 263 с.; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарқ, 2001. – 224 б.; Амир Темур жаҳон тарихида ... 2001.; Пугаченкова Г.А. Темур ва Улуғбек давридаги маданият // Темур ва Улуғбек даври тарихи ... – Б. 165-200; Ўша муаллиф. Архитектурное наследие Темура. (рус ва француз тилларида). – Т.: Қомус; 1996. – 128 б.; Ахмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур... – С. 146-195.; Мукминова Р.Г. Темур ва Улуғбек даврида Мовароуннахрда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт / Темур ва Улуғбек даври тарихи ... – Б. 113-154; Ўша муаллиф. Расширение торговых взаимосвязей в Мавераннахре при Амире Темуре // Амир Темур ва унинг Дуне тарихидаги ўрни. Самарқанд, 1996. – С. 13-16; Ўша муаллиф. Ремесло и ремесленники во времена Амира Темура и Темуридов // ОНУ. – Т., 1996. № 7-10. – С. 67-74; Ўша муаллиф. Ремесленное производство и торговля в эпоху Амира Темура. – Ташкент, 1996. – С. 116-117; Ахмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур... – С. 62-126; Ўша муаллиф. Le role de la femme dans la societe de l’Asie Centrale sous les Timourides et les Sheybanides / L’Heritage Timouride Iran-Asie Centrale-Inde. XV – XVIII slectes. Cahiers D’Asie centrale. №№ 3-4. Tashkent – Aix-en-Provence, 1997. – P. 203-212; Мукминова Р.Г. Амир Темур жаҳон тарихида ... 2001. – Б. 160-165.; Ҳ.Бобобеков бошчилигида “Темур қиссаси” ва “Темур тузуклари” асарларининг асл манбалардан қилинган таржима ва нашрлари: Амир Темур Кўрагон. Қиссаи Темур (“Малфузоти Темурий”). Араб алифбосидан қирилл алифбосига ўгириш, сўз боши, луғат ва изоҳ муаллифлари: Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Қуронбеков. – Тошкент, 2000. 271 б.; Амир Темур Кўрагон. Зафарнома. Араб алифбосидан Қирилл алифбосига ўгириш, сўзбоши, луғат ва изоҳ муаллифлари: Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Қуронбеков. – Тошкент, 2000. – 652 б.

